

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Ўзбекистонда 2020 йилнинг  
ноябрь-декабрь ойларида ЮНИСЕФ  
билан ҳамкорликда мультииндикатор  
кластер кузатуви ўтказилади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосида инсон омили туради, унинг қандай вазиятда яшаши, соғлиги, таълим-тарбия олиши устувор аҳамият касб этади. Уларни тўғри, изчил ва самарали олиб бориш учун мавжуд ҳолат тўғрисидаги маълумотларнинг қай даражада тўлиқ ва ишончли бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.



Чунки статистика тизими қанчалик ҳаққоний ва очиқ бўлса, ислохотлар шунчалик тўғри ва натижадор бўлади.

Бошқа йўналишлар қатори уй хўжаликлари ҳолати, уларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлиги, бу борада зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисида халқаро амалиётда турли кузатувлар ўтказиб борилади. Уларнинг натижалари мамлакатда бу борадаги аҳвол ҳақидаги маълумотларни олишга, хулосалар чиқаришга хизмат қилади.

# ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Ўзбекистонда 2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида  
ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мультииндикатор кластер  
кузатуви ўтказилади

▶ Бошланиши 1-бетда

Халқаро даражада тан олинган ва кўплаб давлатларда мунтазам ташкил этиб келинадиган Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) ҳам ана шундай мақомга эга. Унинг 6-босқичи Ўзбекистонда 2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши режалаштирилган. Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Маҳмуджон ЗИЁДУЛЛАЕВ билан суҳбатда кенг кўламли тадбирнинг моҳияти, аҳамияти ва унга ҳозирлик жараёнлари ҳақида сўз борди.

— Мазкур кузатувга халқаро ҳамжамият томонидан кўрсатиладиган катта эътибор ва унинг эътирофига бўлган эҳтиёж қандай омиллар билан белгиланади?

— MICS кузатуви — БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан ишлаб чиқилган уй ҳўжаликлари кузатувининг халқаро дастури. У болалар ва аёлларнинг аҳволини яхшилаш учун ишончли, халқаро миқёсда таққослама кўрсаткичларни шакллантиришга оид рейтинг кўрсаткичи ҳисобланади. Ўтказилган ҳар бир кузатув дунё



мамлакатларидаги оналар ва болалар саломатлиги, фарзандларнинг ривожланиши ва таълим-тарбияси, шунингдек, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, бандлиги ва бошқа долзарб соҳалар бўйича маълумотлар манбаига эга бўлиш имкони беради.

Кузатув муайян давр оралиғида, танланма шаклда ташкил этилади, барча ҳудудлар бўйича тасодифий тарзда танлаб олинган уй хўжаликларида ўтказилади. Унинг натижалари муайян ҳудуд ва мамлакат даражасида умумлаштирилган маълумотларга эга бўлиш имкониятини беради.

Кузатуving энг муҳим жиҳати, яъни унда уй хўжаликлари тасодифий танлаб олинishi, оила аъзоларининг ихтиёрий равишда иштирок этиши, саволларга жавобларнинг бевосита ёзиб олинishi ва аноним тарзда ўтказилиши орқали маълумотларнинг ҳаққоний бўлишига эришилади. Пировардида ҳар бир ҳудуд бўйича мавжуд ҳолатнинг рўйи-рост очиб беришини таъминлайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йилдаги Болалар масалалари бўйича жаҳон саммитида 1995 йилдан бошлаб ҳар 5 йилда MICS кузатувини ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган.

— Таҳлилларга эътибор қаратсак, Мультииндикатор кластер кузатувининг йўналиши ва мақсадлари кенгайиб бориши билан бирга унда иштирок этаётган давлатлар сони ҳам ортиб бораётганини кўриш мумкин.

— Тадбир даставвал 28 та давлатда ўтказилган. Улар сони кўпая бориб, ҳозирга қадар бундай кузатувлар дунёнинг юздан ортиқ давлатида 185 мартаба ташкил этилди. Сўнгги 20 йил ичида маълумот тўплашнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш учун аввал MICS кузатувида 30 га яқин кўрсаткич мавжуд бўлган бўлса, олтинчи босқичга келиб 200 дан ортиқ йўналиш қамраб олинди.

таларда 500 га яқин савол ўрин олиши режалаштирилмоқда.

Кузатуving самарали ташкил этилиши, саволларга нечоғли ҳаққоний ва батафсил жавоблар олинishi ҳар биримизнинг, шунингдек, оила аъзоларимизнинг саломатлиги ва келажақдаги фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилишини англаб етишимиз зарур.

Тадбирга ҳозирлик аллақачон бошлаб юборилган. 2018 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда БМТ Болалар жамғармаси билан Ўзбекистонда Мультииндикатор кластер кузатуви лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида келишув хати имзоланди.

Республикада аёллар ва болалар ҳолатини халқаро даражада баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича вазифалар ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 9 апрелда қабул қилинган "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги ҳудди шу масалага оид ҳужжатида белгилаб берилган.

Мамлакатимизда Мультииндикатор кластер кузатувини Давлат статистика қўмитаси томонидан ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Чунки қўмитамиз бу тадбирни амалга оширишда адвокатли давлат органи ҳисобланади. Ўтказилган кузатув натижаларидан келиб чиққан ҳолда 2021 йил 1 октябргача тегишли йўналишларни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбир-



— **Ўзбекистон мазкур халқро рейтингинда қачондан бошлаб қатнашиб келади ва унинг натижалари бўйича қандай хулосаларга келинган?**

— Мамлакатимизда илк бор Мультииндикатор кластер кузатуви 2006 йилда ўтказилган. Шундан сўнг 2011 йилда ҳам ташкил этилган. Лекин ўша йили MICS кузатувини ўтказишга етарлича эътибор берилмагани сабабли турли камчиликлар келиб чиққан ва бу, ўз навбатида, унинг сифатига таъсир этмай қолмаган. Пировардида олинган маълумотлар етарлича аниқ бўлмаган ва оқибатда яқиний натижалар халқро ташкилотлар, жумладан, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан тан олинмаган.

Бу ҳолатлар, ўз навбатида, халқро ташкилотларда Ўзбекистон бўйича янгиланган кўрсаткичларнинг мавжуд бўлмаслигига ва оқибатда юртимиз тўғрисидаги маълумотларнинг турлича талқин этилишига сабаб бўлган. Мисол учун, 2017 йилдаги БМТ Тарақиёт дастурининг Инсон камолоти индекси таҳлилида Ўзбекистон бўйича ҳар 1000 та тирик тузилган болага нисбатан ЮНИСЕФ маълумотида болалар ўлими 22,9 промилле, БМТ рейтингда 29,1 промилле деб кўрсатилган. Ҳақиқий ҳолат эса 11,4 промиллени ташкил этган.

Бундай ҳолатлар Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларнинг халқро даражада ҳаққоний ва ҳолис талқин этилмаслигига олиб келмоқда.

Янги Ўзбекистонда янгича ислохотлар халқро ҳамжамиятга кенг йўл очиб берапти, мамлакатимиз дунё мамлакатлари учун ҳам очилаяпти. Айниқса, кейинги йилларда халқро даражада тақдим этилаётган очиқ статистик маълумотлар кўлами кескин ошди. MICS кузатувлари ташкил этилаётгани ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Президентимиз жаҳон маълумот базаларида Ўзбекистоннинг тармоқ индикаторларини тўлиқ акс эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади. Давлатимиз раҳбари жорий йил 1 июнь куни миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам қатор соҳа мутасаддиларига маълумотларнинг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

— **Юртимизда ўтказиладиган навбатдаги MICS кузатувининг асосий йўналиши қайси масалаларга қаратилади ва унга ҳозирлик жараёнида қандай ташкилий тадбирлар амалга оширилади?**

— Ушбу кузатувда аҳолининг турмуш шароитлари, 15-49 ёшдаги хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги, 5 ёшгача, 5-17 ёшдаги болалар тўғрисида алоҳида-алоҳида саволларга аниқ жавоб олиш имконияти яратилади. Бунинг учун анке-

лар ишлаб чиқишти кўзда тутилган.

Бугунги кунда Мультииндикатор кластер кузатувига тайёргарлик кўриш бўйича қўмита томонидан бир қатор тадбирлар, семинарлар ва ташкилий чоралар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада ЮНИСЕФ томонидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳозир MICS кузатуви бўйича бешта йўналишда саволномалар, қўлланмалар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланди. Шунингдек, кузатувга тушган маҳаллалар ва уй хўжаликлари жойлашган хариталар, бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

MICS кузатувида республика бўйича 14 520 дан ортиқ уй хўжалиги қамраб (726 та маҳаллада) олинди, 250 нафар ходим жалб қилинади. Табиийки, мазкур жараён муайян вақт ва маблағ сарфлашни тақозо этади. ЮНИСЕФ бу борада ҳам бизга техник кўмак маблағлари билан ёрдам бериши кўзда тутилган.

Ушбу кузатув Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Мактабгача таълим, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Ички ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

— **MICS кузатувининг ҳолис ва очиқ-ошқора ўтказилиши юртимиз нуфузи ва аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишида қандай аҳамият касб этади?**

— Кузатувлар натижалари, энг аввало, БМТнинг халқро ташкилотларига тақдим этилади. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон тўғрисидаги индикаторларнинг халқро маълумот базаларига жойлашишини таъминлайди ҳамда мамлакатимизнинг халқро рейтинглардаги ўрни яхшиланишига хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳукуматга оналар ва болалар аҳолини янада яхшилаш учун қайси йўналишларга эътиборни кучайтириш зарурлиги бўйича чора-тадбирлар қабул қилишда, манзилли дастурлар яратишда, янги ижтимоий объекتلарни ишга туширишда, коммунал соҳаларни ривожлантиришда "йўл харитаси" бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, пандемия даврида ва яқин келажақда Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражасини тубдан яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, бунинг учун янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуши билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий соҳаларни илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, замонавий таълим тизimini яратиш, барча соҳаларга инновацияларни кенг жорий этиш, келажақда аҳолининг фаровон яшаши учун муҳим замин яратади.

**“Янги Ўзбекистон” муҳбири  
Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.**